
Данғара тумани ахборот-кутубхона марказида Республика минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Данғара тумани ахборот-кутубхона марказида Республика минтақавий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Миллий кутубхона директори У. Тешабоева раҳбарлигида республикадан ташриф буюрган кутубхона соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, Фарғона вилоятидаги шаҳар, туман ахборот-кутубхона маркази директорлари иштирок этишди. Семинар иштирокчилари туман ахборот-кутубхона маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ахборот-кутубхона маркази раҳбари томонидан ушбу бинонинг ташкил этилиши, иш фаолияти ҳамда кутубхонадаги китоблар фонди бўйича маълумотлар бериб ўтилди. Семинар давомида аҳолининг китобхонлик даражаси ва китобга қизиқишини тизимли ўрганиб бориш, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва танловларни ташкил этиш бўйича тавсиялар бериб ўтилди.

2024-09-12 17:33:30